

Шайтон сендан бошқа элчи топмабди-да?



07:10 / 06.09.2019 2320

Фазл ибн Абу Айёшнинг мавлоси Анбардан ривоят қилинади: «Ваҳб ибн Мунаббаҳнинг ҳузурида ўтирган эдим, бир киши келиб, «Фалончининг олдидан ўтиб қолувдим, сизни сўкаётган экан», деди. У кишининг жаҳли чиқиб, «Шайтон сендан бошқа элчи топмабди-да?» деди. Кўп ўтмай, ўша сўккан одам келиб, Ваҳб ибн Мунаббаҳга салом берди. У зот бу кишини таниб, ортларидан сўкканини билса-да, саломига алик олди, хушмуомалалик билан қўл бериб кўришди ва ёнига ўтирғизди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан